

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-2

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Тахрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Равшан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№2 (72), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 217 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА

Қодирова С.А., Рахимов Л.Ш. Хоразм вилоятида маданий-маърифий марказларнинг меъморий, режавий ечимини такомиллаштириш масалалари 5

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ашрапов А.А., Ким С., Камиллов Б.Г., Эргашев Х.Б. Особенности эмбрионального развития венгерского карпа в условиях искусственного воспроизводства в Ташкентской области 8

Искандаров А.И., Холматов Б.Р., Мусаев Д.М., Мусаева М.К. Жанубий Ўзбекистонда тарқалган қандалаларнинг (hemiptera: heteroptera) экологик хусусиятлари 11

Исомиддинов З.Ж. Сур тусли кўнғир тупроқлари ва пиёзда (*Allium sera* L.) темир (Fe) элементи 17

Кучбоев А.Э., Собиров Х.Ф., Амиров О.О., Каримова Р.Р., Мадумаров М.Ж., Абдурахимов А., Абдуллаев А.А. Ўзбекистонда бухоро буғусининг (*Cervus elaphus bactrianus* Lydekker, 1900) молекуляр- генетик идентификациялаш 19

Мадумаров М.Ж., Кучбоев А.Э. Дафниялар - *Echinuria uncinata* (Nematoda: Acuariidae) нематодасининг оралиқ хўжайини 24

Набиева Д.Б., Иминова М.М., Тешабоева Ш.А. Тошкент ботаника боғидаги афиллофороид замбуруғлар ҳақида маълумотлар 29

Сатилов Г.М., Исмаилова И., Рузиева М.Э. Хоразм воҳасида экилаётган ғўза навларининг мойдорлигига ўғит ва сув микдорининг таъсири 34

Султонова Н.М., Қўшиев Х.Х., Исмоилова К.М. Калийли ўғитнинг картошка ўсимлиги баргларидаги хлорофилл микдорига таъсири 36

Уринова Х.Ш., Рахимова Т.У. Индигофера ўсимлигининг анатомик-морфологик таҳлили 41

Ҳамроева М.К. Соя навларининг морфологик белгилари 45

Эшмурзаев Ж.Б., Болкиев А.А., Султонова Ш.А., Абдуллаев А.Н., Обидов Н.Ш., Бабаджанова Ф.И., Убайдуллаева Х.А. Доривор стевия (*rebaudiana bertonii*) микрклонал эксплантларини тупроқ шароитига адаптацияси 48

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

Аширов Ю.Р., Исаев С.Х., Турдалиева Ш.Т. Оч тусли бўз тупроқлар шароитида ғўзани суғоришнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири 52

Сатилов Г.М., Жуманиязова Н.Б. Қовоқ етиштиришнинг агрохимёвий хоссалари шарҳи 54

Тўхтаев Ш.Х., Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Бухоро вилояти Жондор тумани шароитида ғўза ўргимчакканасига қарши курашишда янги тежамкор “Вертимек, 1.8%” эм.к. препаратини қўллаш самарадорлиги 58

Mambetullayeva S.M., Matkarimov N.B. Mahalliy gujum (*Ulmus Pumila*) daraxti tanasida suv harakatining sizot suvlari bilan ekologik bog'liqligi 61

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Abdunazarova Z.I. The role of information technology in the development of speech competence 65

Doniyarov M. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari kasbiy kompetentligining tashkiliy tuzilmaviy shakli 67

Isomiddinova M. "Ilk qadam" o'quv dasturidagi pedagogik talablarni joriy etilishi 70

Marasulov B.Sh. Innovatsion ta'lim muhitida bolalarni maktabga tayyorlash jarayonini takomillashtirish 72

Salomova G.I. O'yinchoq va predmetlar vositasida maktabgacha ta'lim muassasasidagi bolalarini mehnat intizomini tarbiyalash metodikasi 74

Utbosarov A.U. Development of exercises for basic movements in youth 77

Xajiyeva D.A. Boshlang'ich sinflarda ona tili fanini o'qitishda kompetensiyalarni qo'llashning dolzarbligi 80

Yusufova L.G. Application of distance learning in university education 82

Иманов Б.Б. Креативлик ва унинг муаммоларни ҳал қилишдаги аҳамияти 84

Содиқова Д.Р. Узлуксиз таълим тизимида ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда шарқ мутафаккираларининг фаолиятидан фойдаланиш 88

Солаева М.Н. Умумий ўрта таълим мактабларида интегралларни ўқитишда ноанъанавий услублар 90

Файзуллаев А.Ю. Умумтаълим муассасаларида ихтисослаштирилган таълимни ташкил қилишнинг афзалликлари 93

Холмирзаева Г. Мактабгача ёшдаги болаларда эртақ - тарбия воситаси сифатида	96
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Дехканова Н.А., Асланов Б.М., Камалова М.Б. Исследование физико-химические свойства азотных удобрений	99
Бабаев З.К., Матчонов Ш.К., Болтабаев Д.З., Матчонов Ш.Ш., Шакиров Б.М. Керамогранит олиш учун Оролбўйи минтақаси гилсимон хом ашёларини ўрганиш натижалари	103
Раджабов М.Ф., Латипов Б.А., Абдуллаева Г.У. Исследование влияния ультразвука в процессе осмотической сушки дыни	106
Асланов Б.М., Нодиров А.А., Камалова М.Б. Исследование свойств и химизма двойного суперфосфата	108
ТИББИЁТ ФАНЛАРИ	
Салаева З.Ш. Внутрибольничная инфекция	112
Салаева З.Ш. Госпитальный сепсис у детей раннего возраста	114
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Muxammadieva S. Hoja Ahmad Yassaviy inson shaxsi shakllanishining pedagogik omillari haqida	116
Sobirov Q., Sobirov M. Surxon va Xorazm iqtisodiy-madaniy aloqalari tarixi sahifasidan	119
Zaripov S.D. Zarafshon vohasi dehqonchiligining tarixiy ildizlari: sug'orilishi, ziroatchilik xo'jaligi va an'anaviy agrotexnika	122
Абдуллоев Ш.Б. Девпарастиликни ўрганишда “Ясна” нинг аҳамияти	126
Алимова М.М., Мирзақулов Б.Т. Бухоро амирлигида маъмурий бошқарув	129
Бекиметов У. Советларнинг Хоразмда кулоқлаштириш сиёсатини ўтказиши ва унинг фожиали оқибатлари	134
Давлетов С. Проблемы водных ресурсов бассейна Аральского моря в контексте истории второй половины XX века	137
Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида кулчилик муносабатларининг тугатилиши	141
Зарипов Ж.Г. Сравнительный анализ промышленных миграционных процессов в 50-80 гг. XX в. в США и СССР	144
Қурбонов М.Н. Соҳибқирон Амир Темур тамғасининг тарихий манбаларда ёритилиши	148
Мирзаев Б. Шамсиддин Самарқандийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	151
Нафиддинова Х.Р. Ихчам тўйлар – давр талаби	153
Ниязова М.Х. Ўзбек мотам маросимларида айтиладиган олқишлар	158
Остонова С.Н. Национальные традиции и ритуалы в современном Узбекистане	160
Раҳмонбердиева М. Заратуштрининг тўрт элемент назарияси ва унинг жаҳон фанига таъсири	164
Саидов И. М., Ахматқулов У.М., Абдусаломов У.С. Чақирикқача бўлган ёшларда ватанга содиқлик туйғуларини шакллантириш тамойиллари ва талаблари	167
Самандарова Н.Э. Тарихий роман: янгича таҳлил ва талқин эҳтиёжи	169
Султонова Н.Ш., Наимова Н.О. “Саллабандон” маросими – оналик тимсоли	173
Тажиева У.Р. Хоразм воҳасида “табиат ва жамият” ўртасидаги муносабатлар тарихининг баъзи масалалари	176
Хонқулов Ш.Х., Нуриддинов М.А. Фарғона водийсида жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва дастлабки натижалари	179
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Nigmatov A.N., Allanov Q.A., Erdonov M.N. Scientific and methodological basis of constructive geography	185
Sirojiddinov I.Q., Xodjiboyeva I.V. Koronavirus pandemiyasi sharoitida respublikamiz iqtisodiyotdagi investitsion jarayonlarning davlat tomondan qo'llab-quvvatlanishi	191
Беглаев У.Х. Балиқ ишлаб чиқаришни ривожлантириш истикболлари	194
Досчанов Т., Маткаримов И.Б. Инновацион ривожланиш шароитида агробиохимикатларни қўллаш ва агрокимё хизматлари иқтисодий-экологик механизмини такомиллаштириш масалалари	200
Мирзаев А.Т. Худудларда туристик-рекреация фаолиятида интеграциялашган бошқариш концепциясини амалга ошириш	204
Мўминов Х.И., Джураев А. Пандемия шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш даражасининг ўзгариши	211

Мантиқ илми: У мантиқ бўйича бир нечта китоб ёзган, ушбу фан асосларини тушунтириб берган ва бу унинг ушбу фанни пухта эгаллаганлигидан далолат беради

Калом илми: мунозараларда риоя қилиниши керак бўлган одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтирган. Баҳс тамойиллари ва одоб-ахлоқ қоидаларини очиқлаб берган ва ушбу соҳада каломшунос олимлардан ҳеч ким илгари сурмаган масалаларни ўртага ташлаган. Шунингдек, баъзи машҳур калом ва баҳс китобларига шарҳлар ёзган.

Ҳандаса: У ҳандаса илмини жуда яхши эгаллаган ва бу соҳада “Ашкал ат-таъсис” номли китоб ёзган бўлиб, унда Эвклид китобидан ўттиз бешта шакл ҳақида эслатиб ўтган.

Математика: У математикани ҳам яхши ўзлаштирган ва “Латоиф ал-ҳикма” китобини ёзган.

У бошқа илмларни ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, тасаввуфга ҳам қизиққан ва “Илмул-офоқ вал-анфус” деб номланган асар битган.

Унинг асарлари ҳижрий VII-VIII асрларда фаолият кўрсатган кўплаб мусулмон ва ғарб олимларидан кўпчилиكنинг илмий фаолиятларига муҳим таъсир кўрсатган.

Шамсиддин Самарқандийнинг вафот йили ҳақида икки хил фикр мавжуд. Аллома ва тарихчилар – Ҳожи Халифа ва Умар Ризо Қаҳҳолалар томонидан алломани 600/1203 йилда вафот этгани таъкидлаган [3. 105].

Лекин, Исмоил Пошо Бағдодий ўзининг “Ҳадийятул орифин” асарида: “Мен Шамсиддин Самарқандийнинг “Шарҳул муқаддиматил бурҳонийя лин Насафий” асарида унинг асарни 690 ҳижрий санада тугатганлигини кўрдим”, деб келтирган. [1. 106]

Мутафаккир, ёзувчи ва араб сиёсатчиси Қадарий Туқон: “Муҳаммад Самарқандий 690/1291 йилда вафот этган”, деган [4. 153].

Шуни таъкидлаш керакки, Мовароуннаҳр уламолари илмнинг барча жабҳаларида пешқадамлардан бўлган, айнан улар кўплаб илмларнинг тамал тошларини қўйганлар. Жумладан, аллома Шамсиддин Самарқандий ҳам диний билимлар қаторида астрономия, ҳандаса, математика, мантиқ соҳаларида ҳам етук олим бўлган. У кишининг илмий меросларини ўрганиш биз авлодлар зиммасидаги вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исмоил Пошо Бағдодий. Ҳадийятул орифин. Маориф. Истанбул. 1955. 2-жилд
2. Умар Ризо Қаҳҳола. Муъжамул муаллифийн. Мактабатул мусанна. Байрут, Ливан. 1957. 9-жилд
3. Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун. Дору ихёит туросил арабий. Байрут. 1-жилд.
4. Ш. Зиёдов, Қ. Маҳмудов. Самарқандлик алломалар. Т.: Ғафур Ғулом, 2019.
5. Шамсиддин Самарқандий. Ас-Саҳоифул илоҳийя. Доктор Аҳмад Абдурахмон Шариф таҳқиқи. Ар-Риёд.

УЎК 93/94

ИХЧАМ ТҶЙЛАР – ДАВР ТАЛАБИ

Х.Р. Нафиддинова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. *Мазкур мақолада бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири тўй-ҳашамларни ихчамлаштириши ва исрофгарчиликка йўл қўймаслик, оилаларнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимлари тарихий ва замонавий аспектларда таҳлил этилган*

Калит сўзлар: *этноанъана, тўй, маросим, тўй-ҳашам, удумлар, одат, аза, исрофгарчилик, никоҳ, дафн маросими, илм, маърифат, илмсизлик маърифатправарлик.*

Аннотация. *В статье анализируются исторические и современные аспекты решения проблем, связанных с сокращением свадеб и предотвращением расточительства, укреплением стабильности семей.*

Ключевые слова: *этно-традиция, свадьба, обряд, свадьба, обычаи, обычай, траур, расточительность, брак, похороны, наука, просвещение, невежество, просвещение.*

Abstract. *This article analyzes the historical and modern aspects of the solution of problems related to the reduction of weddings and the prevention of waste, strengthening the stability of families.*

Keywords: *ethno-tradition, wedding, ceremony, wedding, customs, custom, mourning, extravagance, marriage, funeral, science, enlightenment, ignorance enlightenment.*

Ўзбек оилаларида тўйлар ўтказишнинг бетакрор анъаналари мавжуд. Жойлардаги этноанъаналар ўзбек тўйларини ранг-баранг, завқли, этнографик белгиларга бой қилиб кўрсатади. Шу билан бирга, кейинги пайтларда дабдабага, ҳашамга, ким ўзарга берилиб тўйлар ўтказиш одатга айланиб қолди. Бу, албатта, халқимиз ҳаётининг турган сайин фаровонлашиб бораётганидан дарак беради. Шу билан бирга, кўпгина оилалар тўйга кетадиган сарф-харажатларни қарзга олишга, ўзи емай-ичмай, зўрға кун кўриб, бошқалардан қолмаслик учун катта тўйлар қилишга интилади. Энди ҳаётга қадам қўйган ёш оила эса қарзларни тўлашга мажбур. Гоҳо бундай “зўравонлик” ёш оилаларда низоларни, ажрашишларни келтириб чиқаради. Бу ҳолатлар қачон ва қаердан келиб қолди. Ўзбек халқи исрофгарчилик ёки дабдабозликларга қандай қилиб ён берди. Тўй-ҳашалари, аза ва маросимлари мусулмончилик асосларига қурилган анъаналар нега бундай кўриниш олди. Бу борада муаммолар тарихига бир назар солиш аҳамиятлидир.

Инсоният жамиятида мавжуд урф-одатлар, анъаналар, маросимлар, ибтидоий диний тасавурлар ҳам ўзига хос тартиблар учун замин яратган. Асрлар оша булар ривожланиб, бири-иккинчисини ўрни олган ёки тўлдириб ривожлантирган. Мараказий Осиё халқларининг муқаддас ёдгорлиги “Авесто” ҳам ёки шу заминда шаклланиган, тарихий шарт-шароит туфайли кириб келган маданиятлар, диний эътиқодлар оила масаласидаги муаммолар ва хилма-хил тартиботларнинг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказган. Бугунги кунда ҳам Марказий Осиё халқлари турмуш тарзида айниқса, оилаларнинг шаклланиши ёки улар билан боғлиқ тўй, марака ва маросимларда уларнинг миллий қадриятларга уйғунлашиб кетганлигини кузатиш мумкин. Бу анъаналар жуда қадим замонлардан бугунги кунларимизгача қадриятларимиз таркибида яшаб сайқалланиб келган. Ер юзидаги ҳар бир халқ ўзига тегишли маълум бир динга алоҳида эҳтиром кўзи билан қарайди. Шу билан бирга, динга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган урф-одат ва маросимларга ҳам айнан шу сабаблар туфайли катта эътибор беришади. Биз маросимлар ва урф-одатларга алоҳида эҳтиромни айниқса, тўй ва дафн маросимларида гувоҳи бўламиз. Тўй ва маросимлар қанчалик яхши бўлмасин халқимизнинг маънавий юксалишида қанчалик ижобий рол ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм русмлар, одат тусига кириб бораётган сунъий удумлар жамиятимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига, оилаларнинг маиший барқарорлиги таъминланишига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши табиий ва бу албатта халқнинг иқтисодий турмуши билан боғлиқ бўлади.

Абдулла Қодирий айтганидек: “Мозийга қайтиб иш кўришлик хайрлидур” маърифатпарвар Хожи Муин Туркистонда яқин ўтмишдаги тўй-ҳашам, маросимлар ҳақида шундай ёзади: “Биз Туркистон халқи ҳам илмсизлигимиз сабабли турли маросим ва одатлар юки остинда эзилиб, мунинг учун ахлоқий ва молий жихатдан ғоят кўб зарарлар кўрмакда бўлгон бир миллатмиз. Бизларни ўзиға асир этиб олгон урфлардан энг кўб зарарли ва ёмонроғи хатна, никоҳ тўйлари билан аза маросимидир “[1]. Хожи Муиннинг фикрига кўра, Туркистон халқларининг моддий ва маънавий инқирозининг асл сабаби “илмсизликдир. Никоҳ тўйлари, хатна, ва аза маросимларининг турли сабаблар билан исрофгарчиликка, обрў орттиришга восита бўлаётгани энг зарарли оқибатларни келтириб чиқармоқда. Хожи Муин ўз даврининг илмли маърифатли вакили сифатида ушбу иллатларга қарши курашиб, халқни саводли қилишга, илм-маърифат билан мақсадларга эришиш мумкинлигига даъват қилади.

Манғитлар ҳукмронлиги даврида ҳам Бухоро амирлигида аҳоли орасида ҳукм сурган зарарли урф-одатлар, кенг тарқалган турли бидъатлар халқ оммасининг кундалик ҳаётига салбий таъсир кўрсатган. Тўй-ҳашам ва аза билан боғлиқ серчиким урф-одатлар ва маросимлар камбағал оилаларни силласини қуришиб, қийин аҳволга солиб қўйган. Халқ орасидаги маросимларни ихчамлаштириш борасидаги ҳаракатлар XX асрнинг бошларидан бошланган. Жумладан, Амир Саид Олимхон 1911 йилнинг март ойида “Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида” Фармон чиқарди. Унга кўра тўйларда паловдан бошқа овқат

берганларга 75 таёқ уриш жазоси тайинланиб суннат ва никоҳ тўйларида ташкил қилинадиган улоқ чопиш пойга мусобақалари бекор қилинди. Ушбу тадбирни ташкил этган шахс ўлим жасосига маҳкум этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, Бухороликлар тўйларига келган барча меҳмонларга зиёфатдан ташқари, уларнинг ҳар бирига чопон бериш расми тақиқлаб қўйилган [2,11]. Кўришиб турибдики, Бухоро амрлигидаги қабул қилинган қарорлар, амир Фармонининг чиқарилиши ва унинг қаттиқ жазолар билан белгиланганлиги амирликда яшаётган халқларнинг тўй, маросимларини тартибга солиш, оилалар шароитларини яшилашга, ўзаро муносабатларда барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Садриддин Айний “Ойна” журналининг 1913 йилги олтинчи сонидан Бухорода 7-8 кунлаб давом этадиган тўйлар ва ундаги исрофгарчилик ҳамда ахлоқсизликлар танқид қилиниб, амир фармонига қарши чиқмасликка чақиради. 1916 йил 5 июнда Бухоро амири Олимхон маъмур ва уламоларни йиғиб, мажлис ўтказди ҳамда тўйларда қанд тарқатишни шариатга зид, деб фармон чиқаради [3,154]. Амир фармонининг чиққанига кўп бўлмасдан Бухорода яна тўй ҳашамларда исрофгарчилик авж олгани, тўй ва марсимларда турли совға саломлар, қанд тарқатиш одатлари пайдо бўлди. Буларнинг бари Амир фармонига зид ва ҳаддан ошиш билан белгиланиб, Амир Саид Олимхон тўй кунлари қисқартиришни, бир хил овқат пишириш тартибини белгилашни қарор қилди. Натижада чопон кийдиришлар кескин камайди, қанд тарқатиш тўхтатилди ҳамда кўпқарилар ўтказилмади. Оддий халқ бу фармонларни мамнуният билан қабул қилди ва унга амал қила бошлади.

Миллатпарвар зиёлиларнинг ўлкамизнинг жуда аянчли аҳволи, аҳолининг эркинлик ва ҳурриятга интилишларини бўғиш сабабларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги турғунлик ҳолатларини англаб, уларнинг онгига жамиятни ислоҳ қилиш, барча эскириб қолган, зарарли урф-одатларни, маросимларни қулай, камчиқим қилиб ўтказиш ғоясини илгари сурдилар. Туркистон жадидлари йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) нинг “аъмолимиз ёнги муродимиз”, “Бизни кемирувчи иллатлар” каби мақоласи босилиб чиқди ва уларда тўй маросимларни тартибли, ихчам ўтказиш зарурлиги таъкидланди. Маърифатпарвар Ҳожи Муин ҳам хатна ва никоҳ тўйлари шунингдек, аза ва дафн маросимларининг ислоҳ қилиниши тарафдори бўлган. Бизнинг туркистонлилар хатна тўйига кўб аҳамият бериб, бир кундан 5-6 кунгача тўй қилалар. «Базм», «кўбқари»лар бералар ва бу йўлда мингларча сўмни исроф ва барбод эталар. Ҳолбуки, бу одат бизнинг Туркистондан бошқа ўлкалардаги мусулмонларда йўқдир. Арабистон, Миср, Истанбул, Кафказ, Татаристон ва эрон мусулмонлари болаларининг хатнаси учун тўй бермайлар, лоақал бир неча кишини чақириб зиёфат ҳам қилмайлар. Фақат пайғамбар суннатини бажо кетурмак ила иктифо эталар. Бизларнинг ҳам бу тўғрида аларнинг йўллари ила боришимиз керакдир. Хатна учун қанча ақчалар исроф этиб, тўй ва кўбқари бермак ҳожат эмасдир. Ҳатто хатна муносабати ила бола учун янги кўрпа-ёстуклар ёки турли рангда неча қабат янги кийимлар ҳозирламак ортикчадир. Мундан бошқа мумкин қадар болаларни кичиклик вақтинда янги усул ила хатна қилмоқ керакдир [4] Албатта Ҳожи Муин ва бошқа жадид маърифатпарварлари халқни уйғотишга, ислом оламида машҳур ва муқаддас Бухорои шарифда бу масалаларда шариат ва ислом аҳкомларига беътиборликдан чиқаришга ҳаракат қилдилар. Шунингдек, Ҳожи Муин никоҳ тўйларида ҳам бир қанча ортикча маросимлар сифатида у «нон синдириш», «фотиҳа» ва «домод талабон»ни санаб ўтган. Чопон кийдириш, тўйдан кейин турли ширинликлар тарқатиш одатига ҳам барҳам бериш лозимлигини айтиб ўтган. Ҳожи Муин “Никоҳ тўйиндан илгари қиз ҳам куёв тарафидан ҳозирланатурғон кийим ва уй асбобларига келганда: бу тўғрида бизда ортикча масориф кўбдирким, буларни ислоҳ этмак керакдир. Мисол, куёвнинг ақчаси ила қиз тарафидан тайёрланатурғон «кашида»ларининг кўбиси бўғча ва сандиқларда чуруб ётатурғон кераксиз нарсалардирким, булардан ёлғуз бир донадан «белбоғ», «жойнамоз», «сўзана», «рўйжо» ва «болишпўш» ҳозирлаб, бошқаларини барҳам бермак лозимдир. Қизга ҳар бир кийимдан 7-8 хил тайёрламоқ керак эмас. Бу тўғрида куёв ўз холига қараб ишласун. Яъни кучи етса кўброқ, бўлмаса озроқ кийим олиб берсун. Андай кераксиз нарсалар ўрнида уй ва тирикчиликка керакли асбоблар ҳозирлансун (мисол, кўрпа, ёстук, гилам, таом асбоблари ва шунга ўхшаш

зарур нарсалар). Бу тўйларда «базм» қилиб жувонлар ўйнатмоқга йўл берилмай, аммо дутор, танбур ва доира чалмоқ, ашула ўкумоқ мумкин бўлсун. Тўй ҳар вақт бекорлик чоғда, яъни халқ хизматдан бўшагон вақтда бўлсун», [4] , -деб таъкидлайди.

Бухорода аза ва дафн маросимлари ҳам ниҳоятда серчиқим бўлиб, марҳумнинг қариндоши бўлган аёлларга аза тутишлари учун кўк ва қора кийимлар бериш, «уч», «етти», «йигирма», «қирқ», «йил» каби маросимларда ош тарқатмоқ ҳам халқни ночор аҳволга солиб қўйган.

Садриддин Айний «Эсдалиқлар» китобида ота-онасининг вабо касаллигидан вафот этиши ва уларни дафн этиш учун ўзи 225 танга қарздор бўлиб қолганини элайди. Бу қарздан қутулгандан кейин эса ота-онасининг йилини ўтказиш ва ёш укаларига суннат тўйи қилиш учун Маҳаллаи Болодаги отасидан қолган уйни сотишга мажбур бўлган [5,240] .

Халқимизнинг тарихий тарикқиётининг турли босқичларида у ёки бу тарзда бундай муаммоларга дуч келганлигини кузатиш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар қандай ислохотлар оила институтида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳамда оилавий муносабатларни ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга қаратилмоқда. «...бугунги тез ўзгараётган зиддиятли даврда оилавий масалаларни илмий асосда чуқур ўрганмасдан туриб, ижтимоий ҳаётдаги кўплаб мураккаб саволларга жавоб топиш қийин» . Шунинг учун, аввало, жамиятда соғлом ижтимоий-маданий муҳитни, соғлом тафаккур тарзи, соғлом тарбия тизимини ривожлантириш, замонавийликка асосланган ўзбек оиласининг жамиятдаги ролини ошириш, оила ва оилавий муносабатлар борасидаги ҳар бир инсоннинг ўз оиласи ва фарзандлари келажаги ҳақидаги қарашларини рўёбга чиқариш учун аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга оид хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда.

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда. Мазкур интилишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шуки, бундай сохта хўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул анъаналар ва одатларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Ўзларининг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини халқимизнинг азалий одатларига амал қилиб, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, мухтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан таклифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Ўзбек халқи ва миллатининг гуманистик ғояларга содиқлигини, этнохусусиятлари ифода этиб келади. Ҳатто мутаассиблик ҳукмрон пайтларда ҳам эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг муҳаббатга, ўзаро ҳурматга, аҳил ва иттифоқ бўлиб яшашга қурилиши ҳақидаги қарашлар, интилишлар этноанъаналарда барқарор қадриятлар сифатида эъзозланади, асралади. Объектив ва субъектив омилар таъсирида икки ёшнинг қовушиши, оила қуриши катталар ихтиёрида бўлган, улар ўртасидаги иноқлик, меҳр кейинчалик пайдо бўлган, аммо бу ҳол оиласи учун масъуллиқни ёшлар устидан соқит қилмаган. “Чимилдикда уйғонган меҳр” кейинчалик чин севгига, садоқатга, фидойиликка айланган. Локал ва умумэтник хусусиятларнинг ранг-баранглиги ўзбек этноанъаналарини бойитади, уларни ҳаёт динамизмига мувофиқ ҳаракатда бўлишга ундайди. Бу хусусиятлар шунчалик кенг ва полифункционалки, улар бир томондан, миллий белгиларни жозибали, қизиқарли қилса, иккинчи томондан, умуминсонийликни янада чексиз, янада олижаноб қадриятларга айлантиради.

Ўзбекистонда тўйлар мавзуси бир асрдан бери энг кўп муҳокама қилинадиган мавзуга айланган. Ўтган асрнинг бошларида зиёлилар ўз мақолаларида тўйлардаги исрофгарчилик ҳақида куйиниб ёзган бўлса, ушбу масала бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Аслида тўйларни қарор ёки қонун билан тартибга солиш ўта мушкул иш. Одамларнинг онгида исрофгарчиликка қарши қарашлар шаклланиши лозим. ОАВ дабдабали тўйларни қораловчи туркум мақолалар, кўрсатувлар тайёрланиб халқимизга етказилмоқда. Кузатувчилар ўзбек жамияти дабдабали тўйларга қарши бир асрдан кўпроқ вақтдан бери курашиб келаётганини айтади. Бу каби тўйлар матбуотнинг танқидига учрай бошлаган бўлса-да, орзу ҳавас қилиб бундан кам қилмасликка интилаётганлар ҳали бор.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 1998 йил 28 октябрда “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони қабул қилинган эди[6]. 2012 йилнинг 18 апрел куни “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида” Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашининг қарори қабул қилинди[7]. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 18 июлдаги фармойишига илова тарзида “Тошкент шаҳрида ўтказиладиган ўзбек миллатига хос тўй-ҳашам, тантана, маросим ва бошқа оилавий тадбирларни тартибга солиш ва ихчамлаштириш тўғрисида”ги тавсиявий тартиб одамлар орасида катта шов-шувларга сабаб бўлди. Кўпчилик унда келтирилган айрим ҳолатларни рад этмоқда, чидаб бўлмайди, деяётганлар, кўнглимдагидек иш бўлибди деб, табассумини яширмаётганлар ҳам йўқ эмас.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан халқимиз ўз турмуш фаолиятини яхшилаши учун бир қатор ислохотлар амалга оширилдики, уларнинг барчаси шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро фаровон турмуш кечириши учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан миллий кадриятларимизнинг асосларидан бири бўлмиш тўй маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги қарор шу ислохотларнинг яққол кўриниши ҳисобланади.

Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3-августда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида миллий кадриятларимизнинг асосларидан бири тўй маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этган[8]. Шундан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашлари 2019-йил 14-сентябрь куни тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди[8].

Бу борада оммавий ахборот воситаларимизда истаганча материаллар топиш мумкин. Уларда турли фикрлар билдирилади, тавсиялар беришади, ҳатто катта тўй ўтказганларни жазолаш таклиф этилади.

Шунинг учун ҳам 2019 йилнинг 20 сентябрь куни Олий Мажлис Сенатида Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясининг биринчи мажлиси ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Кўшма қарорининг ижросини таъминлаш ва халқимиз кадриятлари, тарихи ва орзу-умидларини акс этган анъаналаримиз бизга ота-боболаримиздан мерос, уларни асл ҳолатда сақлаш, урф-одатларимиз замиридаги соф мазмун ва моҳиятни кейинги авлодларга етказиш масаласи. сўнгги йилларда жамиятимизда бу масалага нотўғри ёндашув шаклланганлиги сабабли тўйлар ва оилавий маросимларни қатъий тартибга солиш вақти келганлиги мажлисда алоҳида қайд этилди[9].

Хулоса қилиш мумкинки, дабдабали тўйларни қисқартириш борасидаги ҳаракатлар бошланганига бир асрдан ортиқ вақт ўтган бўлсада бу борада етарли натижага эриша олмадик. Чиқарилган ҳар бир қарор оддий халқ томонидан қанчалик илиқ кутиб олинса, баъзи бир амалдорлар ва ўзига тўқ кишилар тоифаси бу қарорларни назар писанд қилмаслик ҳолатлари

учраб турибди. Оилавий ҳаётнинг гўзал бўлиши ҳар қандай дабдаба ва серчиқим харажатларга эмас, балки бир-бирини тушуниш ва илм эгаллашда эканлигини ҳамма ҳам англаб етмаяпти.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Ҳожи Муин. "Меҳнаткашлар товуши" 1919.22-март.
2. Жамолова Д. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси афтореферати. – Тошкент, 2019. –Б. 11.
3. Айний С. Эсдаликлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж – Тошкенто: Тошкент бадий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 154.
4. Ҳожи Муин. "Меҳнаткашлар товуши" 1919.22-март.
4. Кўрсатилган асар.
5. Айний С. Эсдаликлар. IV қисм / Асарлар. 8 жилдлик. 7-ж – Тошкенто: Тошкент бадий адабиёт нашриёти, 1965. – Б. 240.
6. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И. А.Каримов. Тошкент ш., 1998 йил 28 октябрь, ПФ-2100-сон (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 203-модда)
7. Ўзбекистон Республикаси mfa.uz/uz/press/news/2019
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунчилик палатасининг кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатининг кенгаши қўшма қарори.14.09.2019. № 2736-III/КҚ-592- III.
9. <https://kun.uz/uz/news/2020/06/04/>.

УЎК 81-13

ЎЗБЕК МОТАМ МАРОСИМЛАРИДА АЙТИЛАДИГАН ОЛҚИШЛАР

М.Х. Ниязова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек халқ мотам маросимларида айтиладиган олқишларнинг ишлатилиши тартиби ва уларнинг турлари ҳақида фикр юритилган. Бунда аввало ўзбек мотам маросимларида ишлатилган олқиш сўзларнинг генезиси масаласига муносабат билдиради.

Калит сўзлар: Олқишлар, мотам маросими, марҳумлар, дуо.

Аннотация. В данной статье рассматривается использование и виды аплодисментов в узбекских траурных церемониях. Прежде всего, это касается вопроса происхождения благопожеланий, используемых в траурных церемониях.

Ключевые слова: благопожелания, похороны, покойные, молитва.

Abstract. This article dealt with the usage of blessings and their types in Uzbek mourning ceremonies. First of all, it addresses the issue of the genesis of blessings used in Uzbek mourning ceremonies.

Key words: Blessings, funerals, deceased, supplication.

Ўзбек халқи орасида азага борганда айтиладиган олқишлар алоҳида гуруҳни ташкил этади. Улар кўпинча мотам маросими билан боғлиқ турли удумларни адо этиш жараёнида фоний дунёни тарк этиб, бақога юз тутган марҳумнинг у дунёсини тилаш, унинг руҳига осойишталик сўраш учун ҳамда ўз яқинидан жудо бўлиб, қаттиқ руҳий изтироб чекаётган аздорларга хотиржамлик тилаш мақсадида айтилади.

Мотам олқишларида кўпроқ марҳум руҳига тинчлик, хотиржамлик, жаннатдан жой тилаш маънолари етакчилик қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, маросимларни ўтказиш билан боғлиқ жонли анъананинг сақланганлиги олқишларнинг яшовчанлигини таъминлаган муҳим омил ҳисобланади.

Марҳумнинг ўликлар маконига кириб бориши учун ҳам "сеҳрли сўз" -олқиш айтиш зарурий шарт деб қаралади ва мотам маросими жараёнида бунга жиддий эътибор қаратилади.

Халқ тасаввурига кўра, ўликлар эшитадилар, лекин кўрмайдилар. Учадилар, лекин юрмайдилар. Шу тасаввур-тушунчалар туфайли халқ эпик асарларида ўзга олам вакилларида Ялмоғиз кампир тимсоли бадий талқин этилганлиги эртақшунос олимлар томонидан қайд этилади.[1] Жумладан, бу мифологик тимсолнинг халқ сеҳрли эртақларида ўзга маконга бориб қолган қаҳрамонни ҳидидан сезиб, пайпаслаб топиши ва бу ташрифдан ғазабланиб турганида қаҳрамоннинг "Ассалому алайкум" деб, одобнинг бошланишини ўзида ифода этувчи сеҳрли